

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING  
ҚАРОРИ**203 Қишлоқ хўжалиги техникаси етказиб бериш ва республика минтақаларида уларга сервис хизмати кўрсатиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида**

Республикада қишлоқ хўжалиги техникасини бир маромда ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникасини маркетингнинг замонавий усулларини қўллаган ҳолда сотишни ташкил этишни яхшилаш, сифатли сервис хизмати кўрсатиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш, шунингдек шу асосда маҳаллий қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарининг молиявий аҳволини барқарорлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Тошкент трактор заводи» очик акциядорлик жамияти ва бошқа қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари томонидан бош дистрибьюторлик ташкилоти ва/ёки бир нечта минтақавий дистрибьюторлик ташкилотлари билан тегишли шартномалар тузиш асосида республика ҳудудида ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникасини сотиш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш бўйича ихтисослаштирилган тармоқни шакллантириш тадбирлари амалга оширилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. «Тошкент трактор заводи» очик акциядорлик жамияти ва «Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясининг, эксперимент тариқасида, 2012 — 2014 йилларда «Тошкент трактор заводи» очик акциядорлик жамияти маҳсулотларини расмий дистрибьютор — «Автосаноат Агротехсервис» масъулияти чекланган жамият билан дистрибьюторлик битими тузиш йўли билан сотиш ҳамда «Автосаноат Агротехсервис» масъулияти чекланган жамият томонидан минтақавий «Агротехсервис» корхоналари негизида, шу жумладан куйидагиларни назарда тутувчи, дилерлик тармоғини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

расмий дистрибьюторга «Тошкент трактор заводи» очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникаси сотишни ташкил этиш ҳуқуқини бериш;

минтақаларда фаолият кўрсатаётган «Агротехсервис» корхоналари негизида қишлоқ хўжалиги техникасини уларнинг фойдаланиш тавсифларини намоёни қилган ва механизаторларни ўқитган ҳолда сотиш, сервис хизмати кўрсатиш ва таъмирлаш, эҳтиёт қисмлар билан таъминлашга доир комплекс хизматлар кўрсатиш бўйича «Тошкент трактор заводи» очик акциядорлик жамияти талабларига мувофиқ зарур техник ва технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган тегишли инфратузилмани ташкил этиш;

расмий дистрибьютор томонидан қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқаришни, «Тошкент трактор заводи» очик акциядорлик жамияти билан келишилган ҳажмлар ва етказиб бериш жадваллари бўйича ишлаб чиқариш-

нинг бир маромдаги таъминотини мақбул муддатларда таъминлаш учун, сотиб олинадиган қишлоқ хўжалиги техникаси қийматининг камида 70 фоизи ҳажмида аванс тарзида молиялаштириш.

3. «Тошкент трактор заводи» очиқ акциядорлик жамияти Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан бирга-ликда 2014 йил 1 октябргача Вазирлар Маҳкамасига ўтказилган эксперимент натижалари тўғрисида таҳлилий ахборот, шунингдек «Тошкент трактор заводи» очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникасини республика минтақаларига етказиб бериш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритсин.

4. «Тошкент трактор заводи» очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникасини Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сон қарорига мувофиқ ҳам қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқарувчи корхона, ҳам унинг расмий дистрибьютори билан тузиладиган олди-сотди шартномалари асосида «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси орқали лизингга беришга рухсат этилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, «Тошкент трактор заводи» очиқ акциядорлик жамиятида ва республиканинг бошқа қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарида ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалиги техникасининг монопол турларига нархларни шакллантиришда узил-кесил сотиш нархи:

қишлоқ хўжалиги техникасини бевосита ишлаб чиқариш, шунингдек уларни расмий дистрибьютор ёки дилерлар жойлашган жойгача ташиш билан боғлиқ харажатларни;

расмий дистрибьюторга, ишлаб чиқаришни аванс тарзида молиялаштириш учун тижорат банкларининг жалб қилинадиган кредитларига хизмат кўрсатиш харажатларини, минтақавий дилерлик тармоқларининг таъминоти харажатларини ва расмий дистрибьюторнинг ўз харажатларини ўз ичига олувчи воситачилик ҳақи тўлаш харажатларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади.

6. Белгилансинки:

«Тошкент трактор заводи» очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникасини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобига «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компаниясининг расмий дистрибьютори орқали лизингга етказиб беришда расмий дистрибьюторнинг воситачилик ҳақидан қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқаришни аванс тарзида молиялаштириш учун тижорат банкларининг кредитларини жалб қилиш билан боғлиқ харажатларини ва минтақавий дилерлик тармоқларининг таъминоти харажатларини чиқариб ташлаш ҳисобига қўшимча чегирма берилади;

ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ўз маблағлари ҳисобига, дистрибьюторлик ташкилотлари маблағларини жалб этмасдан расмий дистрибью-

ютор билан келишилган етказиб бериш ҳажмларидан ортиқча ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникасини тўғридан-тўғри олди-сотди шартномалари бўйича сотишга йўл қўйилади. Бунда техника ишлаб чиқарувчи корхона томонидан қўшимча фойда олиниши Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги 239-сон қарори билан тасдиқланган Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш ҳамда уларнинг қўлланилишини давлат томонидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг бузилиши ҳисобланмайди, сотишдан олинган қўшимча соф фойда эса қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг махсус ҳисоб рақамларида жамланади ҳамда ундан корхоналарни модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, шунингдек маркетинг ва сервисни ривожлантириш учун фойдаланилади.

7. «Тошкент трактор заводи» очиқ акциядорлик жамияти — бир ой муддатда, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги маҳсулотларининг монопол турларини ишлаб чиқарувчи бошқа корхоналар — дистрибьюторлар билан шартномалар тузилишига қараб, расмий дистрибьюторнинг устамасини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ хўжалиги техникасининг монопол турларига нархларни декларация қилиш учун материалларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига киритсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобига қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарувчи корхоналар ва уларнинг расмий дистрибьюторлари билан шартномалар бўйича етказиб бериладиган қишлоқ хўжалиги техникаси учун «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси томонидан олдиндан ҳақ тўлаш миқдорини кўпайтириш юзасидан бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.У. Розукулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 2 май,  
126-сон